

Тошкент тиббиёт академиясининг мурожаатлар билан ишлаш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан 2021 йил II-чорак учун тахлилий ёзма ахборот

Тошкент тиббиёт академиясида “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларини сўзсиз ва ўз вақтида бажариш асосий вазифаларидан бири деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, Президент Халқ қабулхонаси, веб-сайт, электрон почта, ёзма ва оғзаки, ишонч телефони орқали академияга жисмоний ва юридик шахслар томонидан келиб тушаётган мурожаатларнинг ижроси сўзсиз бажарилишини таъминлаш ва йўл кўйилган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш юзасидан амалга оширилган ишлари етарли даражани ташкил этилмоқда. Академиянинг расмий сайти, ижтимоий тармоқлар орқали ҳамда конунчиликда белгиланган бошқа йулар билан юборилган мурожаатлар кўриб чиқилиши натижаларини тизимли, ёритишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мунтазам ишлаб чиқилмоқда.

2021 йил I-чораги давомида тиббиёт таълим тизимида мурожаатлар билан ишлашнинг ҳолати тўғрисида талабалар (аноним сўровномалар) ва оналари, жамоатчилик фикрини ўрганиб бориш ва уларнинг натижалари ҳақида академия жамоасини илмий кенгаш ва ҳафталик ректорат йиғилишларида мунтазам хабардор қилиб борилди. Академияда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлар билан ишлашда очиқлик ва шаффофликни янада кенгроқ таъминлаш мақсадида шахсан ректор А.Қ.Шадманов томонидан назорат этилади. ТТАда академия ректори А.Қ.Шадманов ва маъсулларнинг мурожаатчиларни қабул этиш қабул жадвалига асосан душанба соат 8 дан 11 гача шахсий қабулларни ташкил қилинган. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича маъсулларнинг қабуллари тасдиқланган жадвал асосида олиб борилмоқда. Академия ректорати биносида Жисмоний ва юридик шахслар қабули меъёрий ҳужжатлар бўйича алоҳида стенд қилинган.

Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларни мурожаатларини тахлил қилиш ва академиянинг ҳафталик (душанба куни) ректорат йиғилишларида мурожаатлар ижросини танқидий муҳокама этиб борилишини таъминлаш ИНИМ бўлими бошлиғи Ў.М.Миршарапов томонидан мунтазам амалга оширилмоқда, ректорат кенгашларида ҳисоботлар берилмоқда ва шахсан ректор томонидан йиғилишларда муҳокама этилмоқда. Тошкент тиббиёт академиясининг расмий веб сайти орқали (www.tma.uz) электрон манзил info@tma.uz, tta2005@mail.ru, ишонч телефони (150-78-25) орқали келиб тушган мурожаатлар тизимли равишда маъсуллар томонидан муаллифларга мурожаатда келтирилган ҳар бир ваз юзасидан тўлиқ ва асосланган ҳамда раҳбарлар томонидан имзоланган жавоб хатлари берилишини таъминлаш қонунда кўрсатилган муддатларда таъминланмоқда.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларни II-чоракда умумлаштирилиб, тахлил қилиниб, ҳисобот шакллари асосида ўрнатилган

тартибда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигига академия бўйича маъсул Ф.Ш.Тухтаходжаева томонидан ўз муддатларида тақдим этилмоқда.

2021 йил II-чорагида Фуқароларнинг муурожаатлари бўйича иш юритишни тизимли равишда ташкил этилди, pm2.gov.uz дастури имкониятларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйилди. Тизим орқали фуқаролардан 5 та, веб сайтдан 33 та, ёзма 4 та оғзаки 14 та муурожаат тушди ва ижролари тўлиқ бажарилмоқда.

1. ТТАнинг расмий(www.tma.uz) веб сайтида Жисмоний ва юридик шахслар муурожаатлари қабули рукнида бажарилган ишлар юзасидан хисобот мунтазам бериб борилмоқда.
 2. Япония Ўзбекистон ҳамкорлигидаги учрашуви доирасида Ректорнинг . Ёшларга халқаро тиббий таълим борасидаги таклиф ва мулоҳазалари Ўзб 24 радиоси орқали берилди.
 3. 25 февраль 2021 йил Россининг МАДИН компанияси вакиллари билан онлайн мулоқоти моҳияти Янги Ўзб Газетаси ва Ўзб 24 радиосида интервью берилди.
 4. 02.03.2021 й “Таълим муассасаларида таълим тизимининг бўшаб қолганига ким айбдор” мавзусида педогог ходимлар ва тарбиячилар билан юзма юз учрашув. Таълим тарбия масаласи муҳокама этилди. Ректорнинг мулоҳазалари интервью тарзида “ЯНГИ Ўзб. “, УЗА, ЎЗБ 24 радиоси саҳифалари ва эшиттиришлари орқали тарғиб этилди.
 5. 05.03.2021 й. Литва мамлакати билан халқаро таълим форуми ўтди. Ректорнинг форумга муурожаати ва таклифлари “Ёшлар тв” хабарлари ва ижт. Тармоқлардаги расмий сайтларимизда акс этди.
 6. 06.03.2021 й. “Аёлга бахт беринг саодат беринг” ректорнинг аёлларга табриги ва тантанали тадбирдаги иштироки тафсилоти. Янги Ўзб газетаси, Ўзб 24 радиосида берилди.
 7. 18.03. 2021 й. Янгича баҳолаш мезони талабалар билан ишлашнинг янгича услуб ҳақида, ЯНГИ ЎЗБ расмий канали саҳифасида интервью тарзида берилди.
 8. 20. 03 2021 й. Ректорнинг НАВРЎЗ табриги ва ётоқхонадаги талабаларнинг Сумалак сайлига хайрихоҳлик билан берган интервьюси Янги Ўзб газетаси ва ЎЗБ 24 радиоси орқали намойиш этилди.
 9. 28.03.21 й. “Теран тафаккур махсули” ректор ташаббуси билан ТТА фахрийлари ва фидоий профессорлар илмий фаолиятини кенг жамоатчиликка тарғиб этувчи лойиҳага старт берилди. Ўзб радиоси орқали лойиҳа моҳияти акс этирилди.
 10. 30.03.2021 й. “Илм ахлоқ ва одобдан бошланади” мақола Янги Ўзб газетаси , ЎЗА ва кўплаб ижтимоий тармоқларда махсус эълон қилиниб, унда ректорнинг ижтимоий тармоқларда тарқаган танқидий чиқишларга холисона муносабати акс эттирилди.
 - 11.08. 04. 2021йил Ўзбекистон Республикасининг Лондондаги элчихонси кўмагида Глазго университети билан ТТА ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида Ўзбекистон 24 радиоканали мақола тайёрланди.
- Ислон университети ва ТТА ҳамкорлигида “Жаҳолатга қарши маърифат билан” давра суҳбати ўтказилди. Ректор ёшлар билан учрашди. «ИШОНЧ» газетасида мақола тайёрланди.

12.13.04. 2021йил. «Коррупция душман сохта дўст» Ўзбекистон 24 радиосида ТТА ректорининг мазкур муоммо юзасидан қарашлари ОАВ орқали намойиш этилди.

13. 22.04.2021 йил АВЕЦЕННА ИЗДОШЛАРИ халқаро олимпиадаси олдидан ёшлар билан учрашди. Олимпиада жараёнлари борасида ОАВ орқали интервью берди. ЎЗБ 24 тв хабарлар, Ёшлар ТВ. Давр инфо. Дунё бўйлаб ТВ. Янгиликларда кенг ёритилди.

14. 06.05.2021йил “Коронавирус инфекцияси: Миллий ва халқаро тажриба” мавзусидаги конференцияга берган шарҳи Ўзб 24 ва ёшлар радио каналида, ЯНГИ ЎЗБ... газетаси интернет нашрида эълон қилинди.

15. 08. 05. 2021йил ТТА ректори ва профессор ўқитувчилари академиянинг фахрий ўқитувчиларини қабул қилди. Тантанали маросимда улар кўрсатган жасорат ва ибратли илм йўли алоҳида эътироф этилди.

16. 23.05. 2021 йил ТТА га Европанинг Каролинска институти вакиллари ташриф буюрди. Бу тадбир ОАВ лари ЎЗБ 24 радиоси, “Дунё бўйлаб“ ТВ орқали кенг ёритилди.

17. 25.05.2021йил битирувчилар куни муносабати билан А.Қ.Шодмонов етакчилигидаги педогогик жамоа Олмазор туманидаги мактаб битирувчилари билан учрашиб, уларга мустақил ҳаёт оstonасида оқ йўл тиладилар. ЎЗБ 24 радиоси, «Дунё бўйлаб «ТВ орқали кенг ёритилди.

18. 01.06. 2021йил болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан кафедра ўқитувчилари ҳамроҳлигида меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини бориб кўрди. «Ҳислат маҳалласида» байрам тадбири уюштирилди. ЎЗБ 24 радиосида кенг ёритилди.

2021 йил II-чорагида Жисмоний ва юридик шахсларнинг қабули бўйича чораклик ҳисоботлар тахлили, академия расмий веб сайти (www.tma.uz) да Жисмоний ва юридик шахсларнинг қабули рукнига жойлаштирилди. Рукнда мурожаатлар бўйича маълумотлар ҳисоботлари тизимли равишда бериб борилиши таъминланмоқда.

ТТАда 2021 йил II-чораги давомида мурожаатларни кўриб чиқиш яқунлари бўйича ҳеч қандай камчиликлар ва қоидабузарликларга йўл қўйилмади.

Ректор



А.К.Шадманов